

# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажги буюк давлат

2022 йил — инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2022 йил 5 апрель, № 70 (8132)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИДА ИНСОН ХАВФСИЗЛИгини ИШОНЧЛИ ТАЪМИНЛАШ ВА ЎЛИМ ҲОЛАТЛАРИНИ КЕСКИН КАМАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда сўнгги йилларда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш соҳасида кенг қамровли ташкилий-амалий ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, кўрилатган чора-тадбирларга қарамадан, ўлимга олиб келган йўл-транспорт ҳодисаларининг сони ҳали ҳам юқори бўлиб, автомобиль йўлларида хавфсизлигини таъминлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Жумладан, йўл инфратузилмасини ҳаракат хавфсизлигини таъминлашнинг замонавий талабларига тўлиқ мувофиқлаштириш, ушбу соҳадаги қоидабузарликларнинг барвақт профилактикасига йўналтирилган самарали тизимни йўлга қўйиш, шунингдек, инсон омиллини истисно қилувчи рақамли технологияларни кенг жорий этиш талаб этилмоқда.

2022 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегиясига мувофиқ, шунингдек, Янги Ўзбекистон шароитида автомобиль йўлларида инсон ҳаёти ва соғлигини ҳар қандай ҳодисалардан қафолатли ҳимоя қилиш мақсадида:

1. Куйидагилар мамлакатимизда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг долзарб йўналишлари этиб белгилансин: автомобиль йўллари инфратузилмасини такомиллаштириш ва уларнинг сифатини яхшилаш, йўл ҳаракати иштирокчиларининг "пиёда — жамоат транспорти — велотранспорт — автотранспорт" устуворлиги асосида хавфсиз ҳаракатланиши учун ишончли шарт-шароитлар яратиш;

ҳайдовчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимига инновацион педагогик технологияларни жорий қилган ҳолда, ўқув жараёнини

сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш; ҳайдовчи ва пиёдаларнинг йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилиш маданиятини ошириш, ҳар қандай қоидабузарлик учун жазо муқаррарлигини таъминлаш; йўл ҳаракати қоидалари асосларини болалиқдан сингдиришни йўлга қўйиш, ушбу амалиётни мактабгача таълим ташкилотлари ва умумтаълим мактабларида жорий этиш;

йўл ҳаракатини ташкил этишни тўлиқ рақамлаштириш, илгор ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилган ҳолда, янги бошқарув ва назорат тизимларини татбиқ қилиш. 2. Йўл ҳаракати қоидаларига сўзсиз риоя қилинишини таъминлаш ҳамда уларни такроран бузиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида 2022 йил 1 декабрдан бошлаб куйидаги тартибни назарда тутувчи ҳайдовчиларга йўл ҳаракати қоидабузарлиги учун жарима балларини ҳисоблаш тизими жорий этилсин:

ҳар бир йўл ҳаракати қоидабузарлиги учун 12 ой давомида алоҳида жарима баллари ҳисоблаб борилади; ҳисобланган жарима баллари белгиланган миқдордан ошган ҳолларда ҳайдовчи маълум муддатта транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан ўрнатилган тартибда маҳрум қилинади; муайян давр мобайнида йўл ҳаракати қоидабузарлиги содир этмаган ҳайдовчиларга кейинчалик ҳисобланган жарима балларини қисқартриш орқали рағбатлантириш чоралари қўлланилади.

Ички ишлар вазирлиги (П.Р.Бобонов), Адлия вазирлиги (Р.Қ.Давлетов) бир ой муддатда илгор хоржий тажрибани инобатга олган ҳолда, ҳайдовчиларга йўл ҳаракати қоидабузарлиги учун жарима балларини ҳисоблаш

тизимини жорий этишни назарда тутувчи қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини киритсин.

3. Ҳайдовчиларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш мақсадида шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ: ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъи назар, ҳайдовчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш фаолиятини амалга оширувчи барча таълим муассасалари (кейинги ўринларда — автомактаблар) ва имтиҳон марказларига фаолиятни амалга ошириш учун лицензия Ички ишлар вазирлиги томонидан берилди;

автомактабларнинг инновацион педагогик технологияларга асосланган ўқув дастурларини ишлаб чиқиш, шунингдек, уларнинг ўқитувчи, ҳайдовчи-йўриқчи ва мураббийларини шартнома асосида қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ишлари Ички ишлар вазирлиги Академияси томонидан амалга оширилади.

Ички ишлар вазирлиги (А.И.Икрамов, Б.Т.Абдуллаев): бир ой муддатда автомактаблар ва имтиҳон марказларига қўйиладиган талаб ва меzonларни қайта кўриб чиқиб, уларнинг ўқув фаолияти сифатини оширишга қаратилган қатъий чораларни назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин;

Ички ишлар вазирлиги (П.Р.Бобонов) Академиясида автомактабларнинг ўқитувчи, ҳайдовчи-йўриқчи ва мураббийларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларини ташкил этиш билан боғлиқ барча зарур ўқув-устуворли ва моддий-техник базани яратсин.

Ички ишлар вазирлиги (П.Р.Бобонов) зиммасига автомактаблар ва имтиҳон мар-

казлари фаолияти бўйича янги жорий этилаётган тизимни самарали йўлга қўйиш ҳамда ҳайдовчиларни сифатли тайёрлашни ташкил этиш бўйича шахсий жавобгарлик юклансин.

4. Белгилансинки: а) Нукус ва Тошкент шаҳарлари, вилоятлар марказларида чорраҳаларни тўлиқ рақамли бошқарув тизимига ўтказиш бўйича шахсий масъулият Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимлари зиммасига юкланади;

б) Нукус ва Тошкент шаҳарлари, вилоятлар, туман (шаҳар)лар марказларида йўл белгилари, кўрсаткичлари ва светофорларни ўрнатиш, йўл чиқиларини чиқиш, пиёдалар ўтиш жойларини белгилаш орқали йўл ҳаракати воситаларини тартибга солишга ички ишлар органлари йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлимлари (кейинги ўринларда — йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлимлари) масъул ҳисобланади;

в) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Х.Шерматов), Ички ишлар вазирлиги (П.Р.Бобонов) билан биргаликда икки ой муддатда, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик асосида инвесторларни жалб қилган ҳолда, чорраҳаларда рақамли бошқарув тизимини қўйишга даврларда жорий қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирларни белгилайди;

2023 йил якунига қадар пойтахтнинг барча чорраҳаларида, шунингдек, Нукус шаҳри ва вилоятлар марказларининг йирик асосий саркатно чорраҳаларида;

(Давоми 2-бетда).

## ЯНГИЛИКЛАР хабарлар ТАФСИЛОТЛАР

### ЎЗБЕК ЎҒЛОНИ ҚИЛИЧБОЗЛИК БЎЙИЧА ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ БЎЛДИ

Бирлашган Араб Амирликларида қиличбозлик бўйича ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати давом этмоқда. Қуни кеча мусобақа дастурида ўғил болалар ўртасида бахслар бўлиб ўтди.

Қувонарлиси, ҳамюртимиз Зухриддин Қодиров мусобақа доирасида барча рақибларини мағлуб этган ҳолда олтин медалга сазовор бўлди. У мусобақа давомида Канада, Миср, Венгрия, АҚШ ва Германия вакиллари билан мағлубиятга учратди ва жаҳон чемпионлигини қўлга киритди.

"Таъкидлаш керак, бу мустақил Ўзбекистон тарихига Олимпия ўйинлари дастуридан ўрин олган қиличбозлик йўналиши бўйича жаҳон чемпионатларидаги биринчи олтин медал сифатида кирди", дейилади Спортни



ривожлантириш вазирлиги матбуот хизмати хабарига. Янги Ўзбекистонда янги галабалар муборак бўлсин!

«Халқ сўзи».

## АНДИЖОНЛИКЛАР КЎМАГИДАН КЕГЕЙЛИЛИКЛАР МАМНУН

Оролбўйига ташриф буюрган Андижон вилояти ҳокими бошчилигидаги делегация аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси Раиси М. Камалов ва республика Вазирлар Кенгаши Раиси Қ. Сариев ҳамроҳлигида аҳолининг турмуш шароитини яхшилаш, худудлар иқтисодий инфратузилмасини замонавийлаштириш, ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш мақсадида Кегейли туманида амалга оширилаётган ишлар, ўзгариш ва янгиликлар жараёни билан яқиндан танишди.



Танишув "Макро Фарм Андижон" масъулият чекланган жамияти томонидан шприц ишлаб чиқариш корхонаси қурилишининг тамал тошини қўйишдан бошланди. Шундан сўнг меҳмонлар иштирокида тумандаги Халқробод шаҳарчасида янги ахборот-кутубхона марказининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

— Кегейлик ёшлар билан учрашганимда кутубхона қуриб беришни сўрашган эди,



## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

### ҲУЖЖАТ ЛОЙИҲАЛАРИ БЎЙИЧА ФРАКЦИЯЛАР ПОЗИЦИЯСИ ҚАНДАЙ?

Сийёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялари йиғилишлари бўлиб ўтди. Унда парламент кўйи палатасининг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилаётган бир қатор қонун лойиҳалари қизгин муҳокамага сабаб бўлди.

### Электрон рақамли имзодан фойдаланиш кўламини чекланганми?

Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида депутатлар томонидан "Электрон рақамли имзо тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди. Ташкилланганидек, ҳозирги вақтда ёпиқ ва очик электрон рақамли имзо қилишлари яратилиш, ЭРИ калит сертификатларини бериш бевосита рўйхатга олиш марказларининг ўзлари томонидан амалга оширилмоқда. Бу эса республика

бўйлаб ЭРИдан фойдаланиш кўламини чеклайди. Мазкур қонун лойиҳасида бўйсунувчи рўйхатга олиш марказларини ташкил этиш белгилаб қўйилган. Унга кўра, бўйсунувчи рўйхатга олиш марказлари-га нисбатан рўйхатга олиш маркази асосий рўйхатга олиш марказининг функцияларини бажаради ва унинг ҳаракатлари учун жавобгар бўлади.



## Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси жанубий Корея ОАВ нигоҳида

Жанубий Кореянинг "The Korea Times" газетасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоеванинг Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясига бағишланган мақоласи чоп этилди.

### Биз ва жаҳон

Мақолада 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг қабул қилиниши тўла маънода тарихий воқеа, сўнгги йилларда амалга оширилган Ҳаракатлар стратегиясининг мантиқий давоми бўлгани тасдиқланган.

Утган даврдаги барча ҳаракатларимиз халқ билан мулоқотга қаратилган эди. Тараққиёт стратегиясини ишлаб чиқишда мавжуд муаммолар ҳисобга олинди ва ечимини кутаётган долзарб вазифалар ўз ифодасини топди. Мамлакат фуқаролари ушбу ҳужжатни тайёрлашда фаол иштирок этди. Шунинг учун ҳам Тараққиёт стратегияси халқ муаллифлигидаги тарихий ҳужжат десак муболага бўлмайди, дея қайд этади муаллиф.



## The Korea Times



### Uzbekistan's Development Strategy 2022-2026

The adoption of the Development Strategy of Uzbekistan for 2022-2026 has become a historic event, a significant milestone in the development of the country. The Strategy, adopted by the Oliy Majlis, outlines the main directions for the country's development in the next five years. It is a key document that will guide the country's economic, social, and cultural development. The Strategy is based on the principles of the Constitution of the Republic of Uzbekistan and the principles of the rule of law. It is a comprehensive document that covers all aspects of the country's development. The Strategy is a result of the collective efforts of the Oliy Majlis, the Government, and the people of Uzbekistan. It is a document that will shape the future of the country and the lives of its citizens.

## Мавзуга қайтиб

### «МИКРОКРЕДИТБАНК» ТАДБИРКОРНИ ҚАЧОНГАЧА САРСОН ҚИЛАДИ?

Юртимизда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш, ёрдамга муҳтож фуқароларни камбағалликдан халос этишга қаратилган қатор дастурлар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури шулар жумласидан. Унинг ижросига масъулият билан ёндашилган жойларда эҳтиёжманд оила ҳам, бу хонадоннинг иқтисодий жиҳатдан ўзини унглаб олишига ҳисса қўшаётган ишбилармон ҳам кам бўлаётгани йўқ. Аммо...

— Аммо ўртада турган масъулларга инсоф берсин, — дейди Ғиждувон туманидаги "Шукур Тўхта" кўп тармоқли фермер ҳўжалиги иш юритувчиси Амон Тўхтаев. — Акс ҳолда бир-

ровга ёрдам бераман, шу одамнинг қосаси оқарсин, деб сарсон-саргардон бўлишингиз тайин экан.



## АҚЛ КАПИТАЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ учинчи Ренессанснинг энг устувор вазифаларидан бири саналади



Илимий манбаларда ақлга инсон миъясининг дунёни акс эттириши ва шахснинг воқелика бўлган муносабатларини бошқариб турувчи фаолият, объектив дунё нарса-воқеликни ижодий ўзгартариш имконини берувчи восита сифатида таъриф берилди. Фикрининг теранлиги, танқидийлиги, уйғунлиги, кенглиги ва тезлиги ақлнинг энг муҳим сифатларидир. Яна китобларда "қайси нарса кўлайса, қадри камайиб кетади, фақат ақл бундан мустасно, чунки у кўлайгани сари қадри ошаверади" деган фикр келтирилган. Чиндан ҳам, ақл инсон учун берилган баҳоқ неъмат. Ахир ҳозирги замонавий даврнинг ўта замонавий технологияларидан фойдаланишимиз, улар тўғрисида турмуш шароитимизга тобора кенг қўлайликлар кириб бораётгани айнан шу ақл-заковат меваси эмасми?!

### Нуктаи назар

Асосийси — таълимда билим бериш билан бирга, қобилиятни ўстириш ва ундан самарали фойдаланишга ўргатиш

Албатта, ақл ва билим ҳаммада бор. Асосий масала, уни тўлдириб, бойитиб, мукаммаллаштириб боришда. Шу маъ-

нода, бугун дунё мамлакатларида ақл капиталини ривожлантиришга катта эътибор қаратилганлиги, илму заковатли ёшларни тарбиялаш ва етиштириш давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бирига айланаётгани беқорга эмас. Ақл инсон қалбидаги нур ва у зарур илмларни идрок қилишга ёрдам беради.





Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИДА ИНСОН ХАВФСИЗЛИГИНИ ИШОНЧЛИ ТАЪМИНЛАШ ВА ЙЎЛИМ ҲОЛАТЛАРИНИ КЕСКИН КАМАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

2024 йил якунига қадар Нукус шаҳри ва вилоятлар марказларининг барча чорраҳаларида;

г) туман (шаҳар) ҳокимликларига ўз ҳудудларидаги автомобиль йўлларида йўл ҳаракати қоидалари бузилишини қайд этувчи махсус автоматлаштирилган фото ва видео дастурий-техник воситаларини ўрнатиш ҳукуқи берилди. Мазкур дастурий-техник воситалар орқали қайд этилган қоидабузарликлар учун жарима суммасининг 30 фоизи бевосита туман (шаҳар) маҳаллий бюджетига йўналтирилади ҳамда ушбу маблағлар йўл ҳаракатини рақамлаштириш, йўл инфратузилмасини ривожлантириш, шунингдек, йўл-патруль хизмати ходимларининг қўшимча шатларини қиратишга сарфланади.

Ички ишлар вазирлиги (Б.Т.Абдуллаев) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой мuddатда транспорт ва пидедалар оқими, пидедалар билан боғлиқ содир этилган йўл-транспорт ҳодисаларининг тахлили асосида туманлар ва шаҳарлардаги аҳоли гавжум ҳудудларда пидедалар ўтиш жойларига пидедалар бошқарадиган светофорларни 2023 йил якунига қадар ўрнатилишини назарда тутувчи манзилли дастурни тасдиқласин ва ижросини тўлиқ таъминласин.

5. Ички ишлар вазирлигининг қуйидаги тақлифлари маъқуллансин:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликларининг махсус эксплуатация-монтаж бўлинмалари ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Йўл ҳаракатини ташкил этиш марказини (кейинги ўринларда — эксплуатация-монтаж бўлинмалари) икки ой мuddатда тегишинча ҳудудий ички ишлар органларининг йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармалари ҳузурига ўтказилиш;

ички ишлар вазирлиги йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмаларига бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан малакали хорижий мутахассисларни маслаҳатчи сифатида шартнома асосида жалб қилиш ҳуқуқини бериш;

“Uzavtomotobeltg” давлат унитар корхонасида йўл ҳаракатини ташкил этишнинг техник воситаларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва ушбу соҳада рақобат мўҳитини шакллантириш;

Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати тузилмасида Йўл инфратузилмасини назорат қилиш бошқармасини, ҳудудий йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармалари тузилмаларида йўл инфратузилмасини назорат қилиш бўлинмаларини ички ишлар органларининг чекланган штат бириктирилган ҳисобидан ташкил этиш.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари эксплуатация-монтаж бўлинмаларини йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармалари ҳузурига ўтказилиш:

эксплуатация-монтаж бўлинмаларининг бино ва иншоотларини, уларнинг ёндош ҳудудлари, моддий-техника базасини, шу жумладан, янги замонавий махсус техника билан таъминлаган ҳолда топшириш чораларини кўрсин; эксплуатация-монтаж бўлинмаларининг мавжуд кредитор ва дебитор қарзлари тўланишини, маънан эскирган ва яроқсиз ҳолга келган моддий-техника воситалари ҳисобдан чиқарилишини таъминласин.

Ички ишлар вазирлиги (Б.Т.Абдуллаев): икки ой мuddатда эксплуатация-монтаж бўлинмаларининг фаолиятини тартибга солувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

эксплуатация-монтаж бўлинмалари тегишли бино ва иншоотлари, уларнинг ёндош ҳудудлари, зарур моддий-техника базаси билан таъминланган ҳолда қабул қилинишини ташкил этсин;

уч ой мuddатда эксплуатация-монтаж бўлинмаларининг фаолиятини танқидий қайта қўриб чиқиш, йўл ҳаракатини ташкил этишнинг техник воситаларини тўлиқ ўрнатиш ва уларнинг доимий ишлашини таъминлаш бўйича янги иш суулларини жорий этсин.

Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) бир ой мuddатда:

Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда эксплуатация-монтаж бўлинмалари бошлиқлари ва уларнинг бир нафар ўринбосари рақамлаштириш бўлинмаларининг мавжуд штат бириктирилиши ҳисобидан офицерлик таркибидagi ходим лавозимларига ўзгартирилишини таъминласин; ушбу қарорга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари ҳамда Ички ишлар вазирлигининг ҳаракатлар сметаларига тегишли ўзгаришларни киритсин.

7. 2022 йил 5 апрелдан бошлаб Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ҳузурига юридик шахс ташкил этмаган ҳолда “Хавфсиз йўл ва хавфсиз пидеда” республика жамағармаси (кейинги ўринларда — Жамағма) ташкил этилсин.

Куйидагилар Жамағма маблағларини шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

1-иловага мувофиқ микдорларда йўл ҳаракатини ташкил этиш соҳасида ундирилмаган жарима, олинмаган йўлчи ва тўловлар; эксплуатация-монтаж бўлинмалари учун ҳар йили бюджет параметрларида дастурлар асосида алоҳида тадбирлар учун кўзда тутилмаган маблағлар;

Жамағмарининг вақтинча бўш турган маблағларини тижорат банкларига депозит ҳисоб рақамларига жойлаштиришдан олинмаган даромадлар;

давлат, хорижий ва халқаро ташкилотлар томонидан ажратиладиган грантлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомиийлик ва хайрия тарзидаги маблағлари;

халқаро молиявий институтлар ва банклар томонидан ажратиладиган кредитлар;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

Белгилансинки, Жамағма маблағлари фақат қуйидагилар учун мақсадли сарфланади:

йўл ҳаракатини ташкил этишнинг техник воситалари, уларнинг эҳтиёт қисмлари, ўрнатиш учун белгиланган конструкция ва қурилиш материаллари ҳамда махсус бўёқларини харид қилиш; шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари кўчаларида йўл чизикларини чизилиш, йўл ҳаракатини ташкил этишнинг техник воситаларини ўрнатиш, алмаштириш, сақлаш, демонтаж қилиш ва уларга техник хизмат кўрсатишни молиялаштириш;

эксплуатация-монтаж бўлинмаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, шу жумладан, замонавий махсус техника воситалари билан таъминлаш, уларга иш ҳажмидан келиб чиққан ҳолда маълум мuddатда қўшимча шатлар киритиш, шартномалар асосида мутахассисларни жалб қилиш, уларнинг ходимлари, ишчи ва хизматчилари учун ҳар ойлик ва бир марталик рағбатлантириш тизимини жорий этиш;

йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш, йўл инфратузилмасини ривожлантириш йўналишидаги лойиҳаларни молиялаштириш;

мактабгача таълим ҳамда халқ таълими вазирликларига қарашли мактабгача таълим ташкилотлари ва умумий ўрта таълим муассасаларининг тарбияланувчи ва ўқувчиларида йўл ҳаракати қоидалари бўйича бошланғич билимларни шакллантиришга

қаратилган моддий-техник ва ўқув базасини яратиш, шунингдек, маҳалларда болаларга йўл ҳаракати қоидаларини амалий ўргатиш майдончаларига йўл белгиларини ўрнатиш ва йўл чизикларини чизиш чора-тадбирларини молиялаштириш.

8. Автомобиль йўлларида ҳаракатни ташкил этиш, бошқариш ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги фаолият самарадорлигини ошириш мақсадида Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича республика махсус комиссияси ва унинг ҳудудий махсус комиссиялари (кейинги ўринларда — махсус комиссиялар) 2 ва 3-иловаларга мувофиқ тузилсин.

Махсус комиссиялар зиммасига қуйидаги асосий вазифалар юклатилсин:

йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасида фуқароларнинг ҳаёти ва соғлигини ишончли ҳимоя қилиш, йўл инфратузилмасининг хавфсизлик талабларига тўлиқ жавоб беришини таъминлаш; ҳудудларда йўл ҳаракатини самарали ташкил этиш ҳолатини мунтазам равишда баҳолаб бориш, ушбу соҳада давлат органлари ва маҳаллий ҳокимликларнинг самарали фаолият кўрсатишини назорат қилиш;

йўл-транспорт ҳодисалари сабабларини чуқур ўрганиш, йўлларнинг хавфли авария участкалари рўйхатини тасдиқлаш орқали келгусида уларнинг олдини олиш юзасидан илмий асосланган тақлифлар тайёрлаш тизимини яратиш;

йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш, инсон омили ва коррупция ҳолатларини истисно этувчи автоматлаштирилган назорат тизимларини омаллаштиришга доир тадбирларни белгилаш; ҳудудларда йўл инфратузилмасини яхшилаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг сонини қисқартириш бўйича дастурлар лойиҳалари ишлаб чиқилишини ташкиллаштириш ва келишиш;

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича республика махсус комиссияси тўғрисидаги низоми 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Республика махсус комиссияси (А.Н.Арипов):

бир ой мuddатда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимлари раислигида ҳудудий махсус комиссияларнинг намунавий низомини тасдиқласин;

ҳар чоракда давлат органлари ва маҳаллий ҳокимликлар томонидан йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасида амалга оширилаётган ишларни, мавжуд камчиликларни танқидий муҳокама қилиб борсин ва тегишли чоралар кўрилишини таъминласин;

ҳар йили маҳаллий ҳокимликларнинг ўз ҳудудларида автомобиль йўллари инфратузилмасини тақомиллаштириш ва йўл-транспорт ҳодисаларини кескин камайитириш бўйича аниқ механизмларни назарда тутувчи манзилли чора-тадбирларни ўз ичига олган “Йўл хариталари”ни тасдиқлаб, уларнинг ижроси устидан қатъий назорат олиб борсин.

9. Шундан тартиб ўрнатилсинки, унга қўра:

йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмалари махсус комиссияларини ишчи органи ҳисобланади; ишчи органлар мунтазам равишда тегишли давлат органларининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича амалга ошираётган ишларини таҳлил қилиб боради ва махсус комиссияларнинг йиғилишларида муҳокама қилиш учун ҳужжатларни тайёрлайди;

ҳудудий махсус комиссиялар ҳар ойда йўлларнинг ҳолати ва мавжуд инфратузилма, авария ўчоқлари, қоидабузарликларнинг таҳлилидан келиб чиқиб, ҳаракат хавфсизлиги, транспорт ва йўл

соҳаларига масъул идоралар раҳбарлари фаолиятини танқидий ўрганади, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига муҳокама қилиш учун киритади ва натижалари бўйича республика махсус комиссиясига ҳисобот тақдим этади.

10. Ҳудудларда йўл ҳаракатини самарали ташкил этиш ҳолатини баҳолаш ва бу борада маҳаллий ҳокимият органларининг масъулиятини кучайтириш мақсадида 2022 йил 1 июлдан бошлаб, республиканинг барча туман (шаҳар)лари кесимида “Хавфсиз йўл” индекси (кейинги ўринларда — индекс)ни юритиш амалиёти йўлга қўйилсин.

Белгилансинки: индекс доирасида йўл инфратузилмаси ва йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилинишининг ҳолати махсус комиссиялар томонидан 5-иловага мувофиқ 29 та индикатор бўйича ҳар чорак якунида баҳолаб борилади; туман (шаҳар)лар индекс кўрсаткичлари асосида йўлларда ҳаракат хавфсизлигини ташкил этишнинг ҳолати бўйича “яшил”, “сарик” ва “қизил” тоифаларга ажратилади; индексини юритиш вазифаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмалари зиммасига юкланади.

Вазирлар Маҳкамаси (А.Н.Арипов) икки ой мuddатда етакчи илмий ташкилотлар, олимлар ва мутахассисларни жалб қилган ҳолда, индексни юритиш методологияси ишлаб чиқирилиши ва тасдиқланишини таъминласин.

11. Ички ишлар вазирлиги (П.Р.Бобоқонов) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

а) йўл ҳаракати хавфсизлигини ишончли таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг барвақт олдини олиш мақсадида “Умр тезликдан муҳимдир” ва “Хавфсизлик камари — ҳаёт гарови” шioriлари остида комплекс тарғибот ва ташвиқот ишларини ташкил этсин;

б) бир ой мuddатда қуйидагиларни назарда тутган ҳолда, ўқувчилар орасида йўл ҳаракати қоидалари тарғиботини кучайтиришга қаратилган Ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин:

“Йўл ҳаракати интизомни болаликдан бошланади” шiori остида мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари ва мактаб ўқувчиларига йўлларда, чорраҳаларда ва пидедалар ўтиш жойларида ҳаракатланиш асосларини амалий-ўғрғазмалли тарзда ўргатиш, уларнинг онига болаликдан бошлаб йўл ҳаракати интизомини сингдириш; мактабларда “Ҳаракат хавфсизлиги синфхоналари”ни, маҳалларда “Йўл ҳаракатини ўргатиш майдончалари”ни ташкил этиш;

в) икки ой мuddатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгаришлар ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 6-иловага мувофиқ ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилсин.

13. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб ички ишлар вазири П.Р.Бобоқонов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Б.Д.Исламов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2022 йил 4 апрель

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси жанубий корея ОАВ нигоҳида

Материалда, хусусан, ҳужжатнинг биринчи йўналишига “Инсон кадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқлараро давлат барпо этиш” деб ном берилишида ҳам рамиш маъно борлиги таъкидланади. У амалга оширилиши белгиланган долзарб режаларнинг жиҳатларини тавсифловчи 12 та мақсад ва 42 та вазифани камраб олгани қайд этилган.

Айни чоғда мақолада кейинги беш йилга мўлжалланган ушбу тарихий ҳужжат Барқарор ривожланиш мақсадларига тўла жавоб беришига эътибор қаратилган. Тараққиёт стратегиясининг амалга оширилиши 2026 йилга қадар БМТнинг

Барқарор ривожланиш мақсадларини бир вақтинч ҳўзида муваффақиятли ууддалаш имконини беради, дейилади. 2022 йилда Тараққиёт стратегиясини амалга ошириш бўйича Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш орқали аҳолининг барча қатламлари — ўрта синф вакиллари ва тадбиркорлар, зиёлилар, бюджет ташкилотлари ходимлари, ҳарбийлар, фахрийлар, кам таъминланган оилалар, ногиронлиги борлар ва умуман, бутун халқ фаровонлиги таъминланади, деб эътироф этилган “The Korea Times” газетасида чоп этилган мақолада.

«Дунё» АА. С.суп

Ҳужжат лойиҳалари бўйича фракциялар позициялар қандай?



Ушбу янгилик очқ қалит инфратузилмасининг самарали ривожланишига олиб келади. Чунки рўйхатга олиш марказлари ўзларига бўйсунувчи рўйхатга олиш марказларини ташкил этиб, улар орқали қўллаб аҳолига хизмат кўрсатиши ва рўйхатга олиш марказларининг тезкорлигини таъминлаши мумкин.

Қонун лойиҳасида марказлашган ҳолда ишончли сақлаш (булути технология) тизимидан фойдаланиш имконияти келтирилган. Бу давлат хизматларини олиш ва ҳисоботларни топшириш учун ЭРИ воситаларидан фойдаланиш мақсадида ишончли сақлаш тизими (булути технологиялар)дан фойдаланиш имкониятини яратади.

Муҳокамалар давомида депутатлар қонун лойиҳаси юзасидан бир қатор тақлифлар берди. Қолаверса, ушбу ҳужжат электрон ўзаро ҳамкорлик иштирокчиларига қўлайлик яратиш ва ЭРИдан фойдаланишда юзага келадиган тўсиқларнинг олдини олишга хизмат қилишини айтиб, уни маъқуллашди.

Йиғилишда “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси ҳам биринчи ўқишда кўриб чиқилиб, депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Одил судлов сифатини янада оширади

“Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси йиғилишида депутатлар дастлаб “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳасини тасдиқлаш ҳақида кўриб чиқилиб, депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Электрон далиллардан фойдаланиш тартиби аниқлаштирилади

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси йиғилишида фракция аъзолари томонидан суд-экспертлик тизимини янада тақомиллаштиришга қаратилган — “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳасини тасдиқлаш ҳақида кўриб чиқилиб, депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Ўшбу ҳужжат билан “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Қонун, Жиноят-процессуал, Фуқаролик ҳамда Иқтисодий процессуал кодексларга тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Таъкидланганидек, миллий қонунчилигимизда процессуал қонунчилик ҳужжатларида электрон далиллар тўшунчаси, ундан фойдаланиш тартиби ва шу билан боғлиқ масалалар назарда тутилмаган. Лекин амалиётда электрон далиллар қаторига кирувчи маълумотлардан фойдаланиб келинати.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши Ўзбекистоннинг халқаро рейтинг ҳамда индексларидаги ўрнини, жумладан, Ҳуқуқ устуворлиги индексининг Фуқаролик одил судлови ва Жинсий одил судлов тартиби индикаторларидаги маъқени яхшилашга хизмат қилади. Энг муҳими, бу билан процессуал қонунчиликдаги бўлиқларни бартараф этишга, янги институтларни жорий қилиш, одил судлов сифатини оширишга эришилади.

Йиғилишда, шунингдек, “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди. Депутатларнинг айтишича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши электрон рақамли имзодан фойдаланишда юзага келадиган тўсиқларнинг олдини олишга ёрдам беради. Муҳокама этилган қонун лойиҳалари юзасидан қатор тақлиф ва тавсиялар берилган ҳолда, ҳар иккала ҳужжат ҳам депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Электрон далиллардан фойдаланиш тартиби аниқлаштирилади

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси йиғилишида фракция аъзолари томонидан суд-экспертлик тизимини янада тақомиллаштиришга қаратилган — “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳасини тасдиқлаш ҳақида кўриб чиқилиб, депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Электрон далиллардан фойдаланиш тартиби аниқлаштирилади

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси йиғилишида фракция аъзолари томонидан суд-экспертлик тизимини янада тақомиллаштиришга қаратилган — “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳасини тасдиқлаш ҳақида кўриб чиқилиб, депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Ўшбу ҳужжат билан “Суд экспертизаси тўғрисида”ги Қонун, Жиноят-процессуал, Фуқаролик ҳамда Иқтисодий процессуал кодексларга тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Таъкидланганидек, миллий қонунчилигимизда процессуал қонунчилик ҳужжатларида электрон далиллар тўшунчаси, ундан фойдаланиш тартиби ва шу билан боғлиқ масалалар назарда тутилмоқда.

Депутатлар айтиб ўтганидек, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши натижасида одил судлов сифати янада ошиши билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ҳамда индексларидаги ўрни анча яхшиланади.

Шунингдек, қонун лойиҳаси билан электрон далиллар тўшунчаси, ундан фойдаланиш тартиби ва шу билан боғлиқ масалалар назарда тутилмоқда.

Депутатлар айтиб ўтганидек, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши натижасида одил судлов сифати янада ошиши билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ҳамда индексларидаги ўрни анча яхшиланади.

Шунингдек, қонун лойиҳаси билан электрон далиллар тўшунчаси, ундан фойдаланиш тартиби ва шу билан боғлиқ масалалар назарда тутилмоқда.

Депутатлар айтиб ўтганидек, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши натижасида одил судлов сифати янада ошиши билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ҳамда индексларидаги ўрни анча яхшиланади.

бошқа қонун лойиҳалари бўйича депутатлар томонидан партия позициясини келиб чиққан ҳолда, тақлиф ва муносабатлар билдирилди. Қонун тартибидagi масалалар юзасидан фракциянинг тегишли қарори қабул қилинди.

Очиқ қалит инфратузилмаси нега ривожланмапти?

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси йиғилишида “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги ҳамда “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Маълумки, мамлакатимизда электрон рақамли имзо (ЭРИ)нинг жорий этилиши рақамлаштириш соҳасидаги муҳим ўзгаришлардан бўлди. Шу билан бирга, ЭРИдан фойдаланишда бир қатор камчилик ва ноқулайликлар борки, булар фойдаланувчиларнинг ҳақиқи эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Ҳусусан, юридик шахсларга электрон рақамли имзодан юридик шахсининг мўҳри (штампи) ва вақилининг имзоси сифатида фойдаланиш имконияти мавжуд эмас, очик қалит инфратузилмаси ривожланмаган, марказлашган ҳолда ишончли сақлаш (булути технология) тизимидан фойдаланиш имконияти яратилмаган ва ЭРИ ағдарли ахборот ташувчи мосламаларни доимий равишда ўзлари билан олиб юришга мажбур бўлиши каби бир қатор камчиликлар кузатиляпти.

Қолаверса, мамлакатимизда хорижий электрон рақамли имзони тан олиш ёки Ўзбекистон ЭРИсини чет элда тан олиш имкониятини таъминловчи норма мавжуд эмас.

Юқоридаги каби ҳолатларни бартараф этиш мақсадида лойиҳада бир қатор янги қоидалар, жумладан, “вақт шапми” таърифи киритилиб, унда электрон рақамли имзо билан имзоланган, имзоланаётган ахборотга бевосита алоқадор ҳамда имзоланаётган ҳужжатнинг кўрсатилган вақтда мавжудлигини тасдиқловчи электрон ҳужжат шакли эканлиги мустаҳкамланган.

Яна бир ҳолат шундаки, ҳозирги вақтда ёпиқ



# ЎЗБЕКИСТОН – ТУРКИЯ ҲАМКОРЛИГИНИНГ ЯНГИ ҚИРРАЛАРИ ОЧИЛМОҚДА

Ўзбек ва турк халқлари ўртасидаги алоқалар узок ўтмишга бориб тутади. Ўзаро дўстлигимиз тарих, тил, эътиқод, маданият ва анъаналар яқинлиги билан янада мустақкам боғланган.

## Акс садо

Туркия дунёдаги 200 га яқин мамлакатлар ичида Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олган эди. Бу давлатнинг ҳар томонлама ривожланган саноати, транспорт коммуникациялари, туризм салоҳияти ва улкан давлатчилик таърибаси Ўзбекистон учун нихоятда муҳим саналарди, десак, айни ҳақиқат. Ўз навбатида, Ўзбекистон ҳам Туркия ташқи сиёсатида муҳим ўринга эга.

Бугунги кунда ўзаро ҳамкорлик ривожига асосий туртки бераётган муҳим омил сифатида икки мамлакат етакчилари ўртасидаги дўстона алоқалар, мунтазамлик касб этаётган учрашувлар, самимий мулоқотларни эътироф этиш лозим. Туркия Президенти 2016 йилдан буён мамлакатимизга икки марта ташриф буюрган бўлса, давлатимиз раҳбари ҳам бу давлатда икки бора ташриф билан бўлди. Туркия Президентининг бу галги ташрифи икки халқ ўртасидаги дўстлик ришталарини ҳамда манфаатли ҳамкорликни янада мустақкамлаши табиий. Зеро, маъруз ташриф давомида бир қатор келишув ва салмоқли натижаларга эришилди. Шулардан келиб чиқиб, Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғанининг бу галги ташрифини давлатларимиз ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, туризм, транспорт, логистика, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни янада чуқурлаштириш йўлидаги ўта муҳим тарихий воқеа сифатида баҳолаш мумкин. Маъруз музокаралар конструктив ва амалий руҳда ўтди. Етакчилар Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ишончга асосланган кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустақкамлаш юзасидан фикр алмашди.

Учрашувда асосий эътибор стратегик шериклик муносабатларини янада юксалтириш, икки мамлакат ўртасидаги сиёсий, парламентларо, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқаларни

кенгайтириш масалаларига қаратилди.

Бундан ташқари, мулоқот амалий характери билан катта аҳамиятга эга бўлди. Яъни Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Режеп Таййип Эрдоган раъс қилган кўнрақдаги икки раҳбарнинг ўртасидаги иқтисодий ва савдо-иқтисодий ва инвестициявий алоқаларни янада ривожлантириш Ўзбекистон ва Туркия ҳамкорлигининг муҳим йўналиши эканлигини алоҳида таъкидлашди. Айни чоғда савдо ва инвестиция соҳаларида алоқалар жадал ривожланаётгани, жумладан, кейинги йилларда ўзаро товар айирбоқлаш 2,5 баробар ўсиб, 3,6 миллиард доллардан ошганлиги, қўшма корхоналар сони 5 баробар кўпайиб, 2 мингдан ортгани ҳамда инвестициявий ҳамкорлик кўрсаткичлари 70 баробар ўсганлиги эътироф этилди.

Ўзбекистондаги ислотлар борасида ҳамкорликни мустақкамлаш, давлат-хусусий шериклик механизмларини жорий қилиш, фан, таълим, санъат, кино, туризм ва ахборот соҳаларидаги шерикликни чуқурлаштиришга ҳам келишув олинди.

Самарали кечган олий даражадаги учрашув ва мулоқотлар якунида Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги ҳамкорликнинг турли соҳаларида доир 9 та ҳужжат имзоланди.

Умуман, ўтган тарихан қисқа давр мобайнида ўзбек — турк алоқаларида асрга татиғулик инқилобий ўзгаришлар қилиш учун мустақкам тама тоши кўйилди — муҳим дастурий режалар ишлаб чиқилиб, дадил амалий ҳаракатлар бошланди. Таъбир жоиз бўлса, мамлакатларимиз ҳамкорлигининг янги қирралари очилмоқда.

Абдуғани САНГИНОВ,  
Олий Мажлис Сенати аъзоси.



## АНДИЖОНЛИКЛАР КЎМАГИДАН КЕГЕЙЛИЛИКЛАР МАМНУН

Ушбу муассасага шу ерлик оқсоқоллар ва Қорақалпоғистон Республикаси раҳбарияти билан маслаҳатлашиб, Заҳриддин Муҳаммад Бобур номи берилди. Бу ерга олиб келинган 20 мингдан ортиқ ўзбек, қорақалпоқ ва рус тилларидаги адабиётлар, айниқса, ўқувчиларга манзур бўлди, деган умиддамиз.

Тадбирда ахборот-кулубхона марказининг раъс қилган катта Кегейли тумани ҳокими Давлетбай Утемуратовга топширилди.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, Халқобод шаҳарчасида бундан ташқари 5 км. масофадаги ички йўлларга бетон ётқизиш, юзга яқин хонадонларга иссиқхоналар қуриб бериш, паррандачиликни йўлга қўйишга қўмақлаш ишлари ҳам илҳам олиб берилмоқда.

Мехмонлар тумандаги "Кўшунгли" овул фуқаролар йўғинида ҳам бўлди. Бу ерда улар тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда 24-мактаб атрофида кўкаламзорлаштириш ва обдонлаштириш юмушлари қандай кечаётгани билан қизиқдилар.

Тадбир доирасида Кегейлида ташкил этилган Андижон вилояти ҳокимлиги ишарида навабдаги лойиҳалар тақдимоти ўтказилди. Унда халқ таълими, мактабгача таълим, соғлиқни сақлаш, қишлоқ

Файрат ОТАЖОНОВ  
(«Халқ сўзи»).

# АҚЛ КАПИТАЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

## учинчи Ренессанснинг энг устувор вазифаларидан бири саналади

Турли соҳалар, тармоқлар, умуман, жамият раванқига хизмат қилади. Бинобарин, бугунги кунда тилимизга чуқур сингиб улгурган «ақлли таълим», «ақлли тиббиёт», «ақлли маҳалла», «ақлли шаҳар», «ақлли ҳудуд», «рақамли иқтисодиёт» каби тушунчалар бежиз пайдо бўлмаган. Булар — цивилизациянинг энг юқори чўққисидagi ютуқлар, инсон онгу заковати самараларидир.

Янги Ўзбекистон олдига улкан мақсадларни қўйган. Президентимиз бошчилигида кейинги йилларда амалга оширилаётган ислотлардан кўзланган мақсад яқин келажакда Ўзбекистонни дунёнинг энг тараққий этган мамлакатлари қаторига киритиш. Зотан, цивилизациянинг глобал рақамлаштириш муаммоларини ҳал қилиш, жамоавий ва сунъий интеллектни ривожлантиришга хизмат қилувчи «ақлли рақамли таълим»нинг янги модели, «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини амалга оширишга киришилган шундай сай-ҳаракатлар сирасига қиради.

Пандемия муносабати билан АҚШ, Европа Иттифоқи ва Россия Федерациясида эълон қилинган иш ўринларининг 30 дан 50 фоизгача сини масофавий иш ўринлари ташкил қилмоқда. Ушбу рақамли иш ўринлари учун танловларда онлайн тарзда иштирок этиш мумкин.

Пандемия шароитида Ўзбекистонда даромадларни ошириш ва камбағалликни камайтиришнинг энг мақбۇл йўлларида бири эса чет элда онлайн меҳнат қилишдир.

Масофадан ишга жойлаштиришнинг асосий афзаллиги шундаки, солиқ-

оммалашиши туфайли 2025 йилга бориб 97 миллионга рақамли иш ўрни яратилади. Яъни шунча киши ишхонага келмасдан, масофадан туриб ишлаши мумкин бўлади. Лекин шу билан бирга, айрим мавжуд иш ўринлари қисқаради.

Пандемия шароитида Ўзбекистонда даромадларни ошириш ва камбағалликни камайтиришнинг энг мақбۇл йўлларида бири эса чет элда онлайн меҳнат қилишдир.

Масофадан ишга жойлаштиришнинг асосий афзаллиги шундаки, солиқ-

Гейтс (138,8 миллиард доллар), Марк Цукерберг (121,3 миллиард доллар) ва бошқалар учинчи рақамли Ренессанс етакчилари бўлишлари мумкин. Улар бу пулни халқнинг табиий бойликларини сотишдан эмас, балки янги билимларни излаш ва тарқатиш орқали йиғадилар ҳамда даромаднинг асосий қисmini бутун дунё бўйлаб хайрия ишларига сарфламоқда.

Таққослаш учун, Ўзбекистон янги ички маҳсулоти сўнгги бир йилда 10 миллиард долларга ўсган ва 70 миллиард доллардан ошган.

Бугунги иқтисодий модел — ривожланган мамлакатлар рақамли билимлар (дастурий таъминот маҳсулотлари ва бошқалар)ни, уларнинг технологияларини миллионлаб нусхаларда сотадилар. Бунинг эвазига биз улarga табиий бойликларимиз (олтин, газ, пахта, мева ва бошқалар)ни тақлиф қиламиз. Бу эса бойликларимиз камайтиришга олиб келади. Самов тугилади: келажак авлодга биз нима қолдирамиз, бу билан уларнинг камбағаллашишига сабабчи бўлиб қолмаймиз? Мана, нима учун Президентимиз томонидан «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегияси, сунъий интеллектни ривожлантириш каби дастурлар илгари сурилмоқда.

фойдаланган ҳолда дастурий маҳсулотлар яратиш ҳамда экспорт қилиш ёки ёшларнинг кам таъминланган қисmini онлайн тарзда хориждан иш билан таъминлаш бўйича ўқув машғулотларини ташкил этишда ташаббускор эмас (АҚШнинг Калифорниясидаги «Силикон водийси» ёки Хитойнинг Гуанжоу провинциясига ўхшаб). Ваҳоланки, бундай бўлиши керак эмас. Ахир, келажакка пойдевор мана шундай мактаб ва марказларда қўйилмайдими?!



ривожлантириш, ундан кўзланган мақсад ҳар бир ошлада соғлом умрни узайтириш ва ақлий қобилиятни ўстиришдир. БМТ маълумотларига кўра, дунё аҳолисининг 33 фоиздан ортиғи (2,5 млрд.) яширин очлик (макро-микрэлементлар, сув ва кислород етишмовчилиги) туфайли етарлича интеллектуал ривожланмасликдан азият чекмоқда. Ўқиганлари эсида қолмайди, самарали бизнес қила олмайди ва инновациялар ярата олмайди.

Минимал «истеъмол савати» ҳар бир киши (айниқса, болалар) учун индивидиал бўлиши ва унинг яширин очлигини камайтириши керак. «Ақлли соғлом таълим» очик тизим бўлиб, унинг самарадорлиги 50 фоиздан кўпроқ «ақлли оила», «ақлли тиббиёт», «ақлий жисмоний тарбия», «ақлли маҳалла», «ақлли тадбиркорлик» каби ташқи омилларга боғлиқ. Учунчи Ренессансда бу ташқи омиллар ижодкорлик, танқидий фикрлаш, коммуникатив ва кооператив ҳамкорлик қўнмақлари, ўрганиш, инновацияларни ривожлантириш ва улардан самарали фойдаланишга ўргатишлари зарур. «Ақлли таълим» ишлаб чиқариш сифати ва микдорини ошириши, билим, таъриба ва молиявий ресурсларни интеграциялашган ҳолда янги ғалаба қозониш моделидан фойдаланиш қўшимча тизими самара учун жамоавий таълимни ривожлантириши керак.

Олимпларнинг айтишича, дунёда ақлий қобилиятларнинг ўртача 10 фоиздан кўпидан самарали фойдаланилмайди ва ақлий қобилиятни ишлатиб, бой бўлишга ҳаракат қилинмайди. Бу АҚШ, Европа Иттифоқи ва Японияда тахминан 50 фоизни ташкил қилса, Африканинг айрим қабилаларида эса бир фоизга ҳам етмайди.

Ўзбекистонда ҳар йили ақлий қобилиятимиз қанчага ўсади ва унинг неча фоизидан самарали фойдаланилади? Очиги, бизда бу тахлил ҳам қилинмайди. Америкада ўнлаб марказлар фаолият кўрсатиб, интеллектуал қобилиятларни яхшилашга оид китоблар нашр этилмоқда. Масалан, Синтия Грин китобида (овқатланиш, яширин очликни камайтириш, акупрессура, мия фаолаштиришнинг акупунктур нуқталарини массааж қилиш, мия бўлақларни ривожлантириш учун интеллектуал ва жисмоний машқлар, миянинг самарадорлигини оширадиган интеллектуал ўйинлар келтирилган. Ваҳоланки, булар орқали IQ ва EQ ўртача 28 фоиздан 78 фоизгача кўтарилар экан). Қўрниниб турибдики, интеллектуал ривожланган илмий авлодни тарбиялаш учун сифатли таълим ва тарбия етарлича эмас. Улар «ақлли тиббиёт» ва «ақлли оила» ёрдамида рақамли интеллектуал қобилиятларни ривожлантириш ва ирсиятни яхшилаш билан тўлдирилиши керак. Буларни ҳар бир истеъмодли бола учун «Йўл харитаси» тузиб, амалга ошириш жоиз. Ахир, қишлоқ хўжалиги ҳамда экин экишдан олдин ер тайёрланади (юмшатилади, ариқ тортиб, ўғит, сув ва зарур дорилар солинади, ундан кейин юқори ҳосил қутса бўлади). Нега биз болаларимиз ақл-заковатини ўстириб (хотирасини, ўйлаш тезлигини ва мантиқни яхшилаш усуллари бор), кейин билим бериб, уни ишлатиб бой бўлишга ўргатаймиз? Ҳолбуки, кўп болалар ўқиганининг 20 — 30 фоизини ҳам эсида сақлаб қололмайди.

Назаримизда, юқорида айтилган фикр-мулоҳазаларни кенг доирада муҳокама қилиб, жорий этаск, Президентимизнинг рақамли иқтисодиётни самарали қилиш ва бир миллион дастурчи тайёрлаш лойиҳалари зўр натижа беради ва булар камбағалликни қисқартириш, иш ўринлари яратиш каби муаммоларга ечим бўлади.

Саидхор ФУЛОМОВ,  
Давлат статистика қўмитаси ҳузуридagi Малака ошириш ва статистика тадқиқотлар институти профессори, иқтисодиёт фанлари доктори, академик.

## Рақамли (билимлар) иқтисодиёти пирамидаси (АҚШ ва ЕИ модели)



лар, йўлқиралар, озиқ-овқат, турар жой ва тиббий харажатлар Ўзбекистонда қолади. Болаларимиз ота-она бағрида бўлиб, хавф-хатар, асаб бўлиши ва оғир жисмоний меҳнат туфайли саломатлигини йўқотишдан ҳоли бўлади.

Бу пирамиданинг асосидан қўриқиб турибдики, асосий бойлик, Президентимиз қайта-қайта таъкидлаганидек, ақл-заковат капитали, рақамли технологиялар ва ахборот капитали. Булар қанча кўп бўлса, иқтисодиёт шунча барқарор ва самарали бўлади. Бугун кўп соҳаларда сунъий интеллект (СИ+) инсон ақлий меҳнати ўрнини эгаллаб, самаралироқ баҳарлиб келимоқда.

Глобал учинчи Ренессанс — бу рақамли технологиялар, интернет ва сунъий интеллектдан фойдалана

Хорижда ишлаш учун четга чиқиш шарт эмас

Рақамли технология, сунъий интеллект бир томондан ақлий меҳнат самарадорлигини оширади, қулай ва тезкор. Янги-янги даромад манбаларини яратади.

Иккинчи томондан эса мавжуд иш ўринлари қисқариши ҳам мумкин.

Рақамли технологиялар ва сунъий интеллект даври

Глобал учинчи Ренессанс — бу рақамли технологиялар, интернет ва сунъий интеллектдан фойдалана

Президент шароит яратмоқда, қуйида эса ташаббус йўқ

Ривожланган мамлакатлар табиий



2020 йилнинг октябрь ойида «Келажак касблари» жаҳон иқтисодий форуми бўлиб ўтди ва унда бир рақам айтилди. Гап шундаки, рақамли технологиялар ҳамда сунъий интеллектнинг мукаммаллашуви, тараққий этиши ва

ниш, келгуси минг йилликда цивилизациянинг глобал муаммоларини ҳал қилишда миллиардлаб одамларнинг жамоавий онгини бирлаштиришидир. Бу — Ер юзида ўсиб бораётган аҳоли ҳаётининг фаровонлигини таъминлашга хизмат қилувчи рақамли Ренессанс бўлади. Озиқ-овқат, иқтисодий, ижтимоий, экологик, эпидемиологик ва космик хавфсизликни таъминлаш устувор аҳамият касб этади. Инсон фаолиятининг барча соҳасида мия капиталининг ўсиши ва интеллектуализация (сунъий интеллектнинг жорий этилиши) асосий омил бўлади.

Ўзлаб одамларнинг ақлий қобилиятларидан интернет орқали самарали фойдаланувчи Илон Маск (304,6 миллиард доллар), Билл

ресурсларга деярли тегинмайди. Уларнинг атиги 3 — 5 фоиздан фойдаланади, холос. Қолгани келажак авлодлар учун асралади. Бугунги кунда улар ишлаб чиқараётган ва экспорт қилаётган асосий нарса — давлатимиз раҳбари асосий бойлик сифатида қайта-қайта эслатиб турадиган мия капиталининг интеллектуал маҳсулотларидир.

Афсуски, бизда кўплаб ҳокимларимиз шаҳар ва туманларда ташкил этилган 205 дан ортиқ IT-мактаб ва IT-парк филиалларидан



